MILLIY KITOB PALATASI
INV. №


# Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 45 (9.084) * 1998 йил 20 апрель, душанба * Сотувда эркин нархда


Ўзбекистон Мустақиллигининг етти йиллиги олдидан

1998 — Оила йили

Туманлар йўқламаси: Мирзо УЛУҒБЕК

# САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗА



***Дунёда етти мўъжиза бор. Лекин шу мўъжизанинг саккизинчиси бор-микин? Бани одам насли мўъжизалар яратишга қодирми яна? Мустақиллик куни муносабати билан ҳар йили «Тошкент оқшоми» саҳифаларида бериладиган пойтахтимиз туманларига бағишланган анъанавий йўқлама материалларини олиш мақсадида Мирзо Улуғбек туманига бораётганимда хаёлимдан ана шу фикр ўтди…***

***Кундан кунга жамол очаётган она шаҳримиз Тошкентга нимаики хос бўлса, Мирзо Улуғбек туманида барчаси намоён: қурилишлар, ободончиликлар, оила бахт-саодати учун фидокорлик, одамларнинг фаровон яшаши йўлида жон куйдириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, маънавий юксалиш.***

***Туманнинг кишини ҳайратга соладиган томони унинг озодагарчилигидир. Кўчаларда, айниқса, маҳаллаларда покизалик кўзга шундоққина ташланиб туради. Кўриб баҳри-дилингиз очилади. Туманнинг 1998 йил — Оила йилидаги режалари эришилган ютуқларнинг зумрад кўзидек гўё.***

***Келинг, яхшиси, бир бошдан…***

(Давоми 2-бетда).







*«Ўзкабель» давлат акциядорлик жамияти тумандаги илғор корхоналардан саналади. Бу ерда жаҳон андозаларидаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга асосий эътибор қаратилмоқда. Бунда акциядорлик жамияти фидойи ишчиларининг улуши салмоқлидир. Ана шундайлардан бири Обиджон Раҳимжоновдир (чапдаги сурат). Бу илғор ишчи ўз касбининг моҳир устаси сифатида ёшларга маҳорат сирларини ҳам ўргатмоқда; корхонанинг заҳматкашларидан уста Рустам Алимов ва технолог Людмила Дорофейцева; бу ерда янги ва замонавий ускуналарни ўрнатишга катта аҳамият берилмоқда, (чапдан) лойиҳачи Николай Тарасов, муҳандис Ольга Лепешкина, ишчи Носир Турсуновлар янги ускуна ёнида.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

*Саноат*

## ШИРАСИ ОҒИЗДА ҚОЛАДИ

«Тошкентсут» ҳиссадорлик жамияти жамоаси аҳоли дастурхонини хилма-хил маҳсулотлар билан тўлдириш йўлида харидор талабидан келиб чиққан ҳолда меҳнат қилишмоқда. Корхонага ўрнатилган Швециянинг «Тетрапак» линияси орқали чиқарилаётган ранг-баранг маҳсулотлари қаторига бугунги кунда узум, помидор, шафтолидан тайёрланган табиий шарбатлар ҳам қўшилганлиги қувонарлидир. Бу шарбатлар аҳолининг баҳор дастўрхонини безади.

— Корхонамиз ҳиссадорлари чет эллик ҳамкорлар билан ишлашга катта эътибор қаратмоқдалар, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Рустам Юсупов. — Бундай ҳамкорликлар, албатта ўз натижасини бермоқда. Ўтган йили америкалик ҳамкорлар билан ташкил этилган «Санджус продекшн» қўшма корхонаси мана беш ойдирки, ўз фаолиятини муваффақият билан давом эттирмоқда.

Бу қўшма корхонада тайёрланаётган кўркам кўринишли идишлардаги қадоқланган ананасли, апельсинли ҳамда шоколадли шарбатлар севимли байрамимиз Наврўз кунларида республикамиз савдо шохобчалари орқали харидорларга етиб борди. Шу билан бирга бу сифатли шарбатлар шартномалар орқали қўшни Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда.

Бугунги кунда 30 хил сут ва сут маҳсулотлари, шарбатлар ишлаб чиқараётган ушбу ҳиссадорлик жамияти меҳнат аҳли яқин кунларда Американинг яна бир «Шегай интернешнл» фирмаси билан ҳамкорликда қўшма корхонани ишга тушириш арафасида туришибди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш мақсадида америкалик шериклар 1 миллион 650 минг доллар сармоя ажратдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «Тетрапак» линияси орқали тайёрланаётган маҳсулотлар «Демир» фирмасининг супермаркетида шартнома асосида сотилмоқда.

*Шарифа ИЛЁСОВА.*

*Банкротлик ва санация бўйича комиссияда*

## ВАЪДАЛАР БИЛАН КЎМИЛАЁТГАН ЗАРАРЛАР

***Зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг банкротлик ва санация бўйича шаҳар комиссиясининг ҳар бир мажлисида кўпгина хўжалик раҳбарлари корхоналари молиявий аҳволини қисқа муддатда соғломлаштириш, зарарларни қоплаш тўғрисида тоғ-тоғ ваъда берадилар. Бироқ бир ой ўтгач, уларнинг бу қатъий ишонтиришларига қарамасдан корхоналарининг кўраётган зарарлари камайиш ўрнига ортиб боради.***

Мисол учун «Тоштўқимачи» акциядорлик жамияти ишчи ошхоналари бўлими шу йилнинг январь ойини 415 минг сўмлик зарар билан якунлаган эди. Бу бўлим раҳбарларининг жуда катта ваъдаларидан фаркли ўлароқ бир ой давомида кўрилган зарар миқдори икки баробардан ҳам кўпроққа ортиб, 979 минг сўмликни ташкил этди.

Навоий қурилиш бошқармасининг хўжалик ҳисобидаги бошқармасида ҳам худди шундай аҳволга дуч келинди. Унинг январь ойидаги 417 минг сўмлик зарари февраль ойида 697 минг сўмликка етди. Умуман олганда Навоий тоғ-металлургия комбинатидек жуда бой ташкилотга қарашли бу қурилиш бошқармасида зарар кўрилишини бирор нарса билан оқлаб бўлмайди.

Собир Раҳимов туманидаги «Ёшлик» акциядорлик жамиятининг раҳбарлари ҳам комиссиянинг аввалги мажлисида корхона зарарини йўқотиш тўғрисида жуда қатъий ваъдалар берган эдилар. Амалда эса бир ой ичида кўрилган зарар миқдори 40 минг сўмликка ортиб, 2 миллион 750 минг сўмликни ташкил этди. Аммо буларнинг ҳаммасидан Яккасарой туманидаги қадоқлаш ва ўраш конструкторлик бюросининг «кўрсаткичлари» ошиб тушди. Бу жамоада январь ойида кўрилган зарар 3 миллион 984 минг сўмлик бўлса, февралда 8 миллион 633 минг сўмга етди.

Зарар кўриб ишлаётган ташкилотлар ўртасида банкларга ҳам дуч келинаётганлиги таажжубга солмай қўймайди. Жумладан, февраль ойи якуни бўйича «Турон» тижорат банкининг кўрган зарари 16 миллион 729 минг сўмни ташкил этди. Бир ой ичидагина банк яна 3,6 миллион сўмлик зарар кўрди. «Банк пластиккарт» ва «Банк-информрейтинг» ҳали ҳам зарар кўриб ишлаётган ташкилотлар рўйхатидан ўрин олган.

Комиссия мажлисида февраль ойи якунлари бўйича зарар кўрган 49 та корхона ва ташкилотнинг молиявий-хўжалик фаолияти ҳар тарафлама таҳлил этиб чиқилди. Февраль ойини зарар билан якунлаган «Ўзматбаатаъминот» корхонаси, «Тажриба-техника заводи» акциядорлик жамияти, «Кўмирқурилишмолларсавдо» жамоа корхонаси, «Сувқурилиш» моддий-техника таъминоти бошқармаси, «Гипротранс» жамоа корхонаси, Ўзбекистон уй-жойлар ва жамоатчилик биноларини типовой ва тажриба лойиҳалаш илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти, «Камолот» жамғармасининг Ёшлар муаммолари институти, «Тошинқурилиш» акциядорлик жамияти, ирригациялаш тресті 1-таъмирлаш-қурилиш бошқармаси раҳбарлари кўрилган зарар қопланганлиги ёки қисқа вақт ичида қопланиши тўғрисида яна ваъда бердилар.

Бироқ шаҳар комиссияси бундай ваъдаларни эътиборга олган бўлсада, тегишли вазирлик ва идораларга корхона ва ташкилотларининг зарар кўришига йўл қўйган раҳбарларга маъмурий ва моддий таъсир чораларини кўриш учун тақдимномалар йўллашга қарор қилди.

Афсуски, туман комиссияларининг ҳам зарар кўриб ишлаётган корхоналарга худди ана шундай муросасизлиги ҳақида ҳали гапиришга эрта. Жумладан, Сергели (туман ҳокимининг ўринбосари Б.Холметов), Мирзо Улуғбек (ҳоким ўринбосари А.М.Ҳошимжонов) туманларида февраль ойи якунлари бўйича комиссия мажлиси умуман ўтказилмаган. Чилонзор (туман ҳокимининг ўринбосари Х.Х.Рафиқов), Шайхонтоҳур (ҳоким ўринбосари Ш.Ш. Мирғаниев), Яккасарой (ҳоким ўринбосари Ҳ.А.Иброҳимов) ва Ҳамза (ҳоким ўринбосари Т.Ш.Мирзаев) туманлари комиссиялари эса зарар кўрган корхоналар раҳбарларининг ваъдаларига ишониб, бу қуюқ ишонтиришларни эътиборга олиб қўя қолганлар. Бу хўжалик раҳбарларига нисбатан бирор маъмурий ёки моддий таъсир чоралари кўрилмаган. Шунинг учун ушбу туманлар комиссияларининг раҳбарларига зарар кўриб ишлаётган корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини кўриб чиқишда принципсизлик қилинаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

*Футбол*

## КАРВОНБОШИЛАР

Навбатдаги турнинг асосий баҳси Тошкентнинг «Пахтакор» ва Фарғонанинг «Нефтчи» жамоалари ўртасида бўлди. Тошкентликлар «Нефтчи»ни ўтган йили икки маротаба мағлубиятга учратган эди. Дастлаб чемпионат баҳсида, сўнгра эса Биллур соврин учун финал ўйинида. Ҳар икки учрашувда ҳам пахтакорчилар тезкор ўйини билан мухлислар олқишини қозонган эди.

Бу галги учрашув ҳам муросасиз бўлди. Ўйин бошлангандан сўнг кўп вақт ўтмай, «Нефтчи» ҳимоячиларининг хатосидан фойдаланган Азамат Абдураимов ҳисобни очди. Шундан сўнг меҳмонлар ҳужумга зўр бериб, дарвозани ишғол этишга ҳаракат қилди. Бироқ биринчи бўлимда ҳисоб ўзгармади.

Иккинчи бўлимда ҳам фарғоналиклар мағлубиятдан қутулишга уриниб кўрди. Бироқ барча ҳаракатлар самарасиз якунланди. Учрашув охиригача 1:0 ҳисоби сақланиб қолди. Бу ғалаба «Пахтакор»га «Навбаҳор» билан бирга чемпионатда карвонбошиликни сақлаб қолиш имкониятини берди.

Ўтган йилги мамлакат чемпиони Марказий ҳарбий спорт клуби ўз майдонида Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоасини қабул қилди. Биринчи бўлимда ҳисоб очилмади. Ўйиннинг иккинчи бўлимида «Сўғдиёна» жамоаси шиддатли ҳужумлар уюштирди. 49-дақиқада мезбонлар ҳужумчисининг зарбасини Алишер Аҳмедов аранг ушлаб қолди. 57-дақиқада эса Даврон Файзиев ўз жамоасини олдинга олиб чиқди.

Шундан сўнг жиззахликлар майдон эгаларини яна уч бора тўпни дарвоза тўридан олиб чиқишга мажбур этди. Майдон эгалари эса бир неча бор қулай имкониятни бой берди. Жиззахликлар 4:0 ҳисобида ғалабага эришиб ўз ҳисобига уч очко қўшди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Насаф» — «Бухоро» — 0:0, «Дўстлик» — «Темирйўлчи» — 6:1, «Навбаҳор» — «Сурхон» — 5:0, «Зарафшон» — «Металлург» — 3:0, «Косонсой» — «Хоразм» — 3:0

*Раҳмон АЛИ.*

# БУГУНГИ КУН НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● 17-18 апрель кунлари Бельгия Қироллиги Бош вазири Жан-Люк Дехане расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Унинг Президент Ислом Каримов билан музокаралари якунида ушбу расмий ташриф якунлари бўйича қўшма баёнот, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Бельгия-Люксембург иқтисодий иттифоқи ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида битим ҳамда 1996 йил 14 ноябрда Ўзбекистон Республикаси ва Бельгия Қироллиги ўртасида имзоланган икки ёқлама солиқ солмаслик ва даромад ҳамда капитал солиқлари тўлашдан бош тортишга йўл қўймаслик тўғрисидаги конвенцияга тузатишлар киритиш бўйича қўшимча протокол имзоланди. Бельгия Бош вазири Самарқандни ҳам зиёрат этди.

● Бельгия Қироллиги Бош вазири Жан-Люк Деханега ҳамроҳлик қилган бу мамлакат амалий доиралари вакиллари «Ўзбекнефтьгаз» миллий корпорацияси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида бўлдилар.

● Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Польша Ташқи ишлар вазири Бронислав Геремек расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

● Вазирлар Маҳкамасида «Қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастури»ни амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг мажлисида йилнинг биринчи чорагида ушбу дастурни бажариш юзасидан амалга оширилган ишлар ва галдаги вазифалар муҳокама этилди.

● Самарқанд вилояти деҳқонлари чигит экишни ниҳоясига етказдилар. Пахта уруғи қадалган 37 минг гектар майдоннинг учдан бир қисмига чигит плёнка остига экилди.

● Намангандаги «Атлас» акциядорлик жамиятида Япония фирмалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш чиқитларидан маҳсулот тайёрлайдиган корхона ишга туширилди. 5,4 миллион АҚШ доллари қийматидаги замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилган бу корхонада чиқитлардан йилига 520 тонна маҳсулот, шу жумладан 156 тонна ипак ип ишлаб чиқарилади.

● Гулистонда Марказий Осиёда ягона бокс саройи фойдаланишга топширилди. Ана шу қувончли воқеа арафасида Осиё бокс федерациясидан навбатдаги бокс бўйича қитъа биринчилигини 1999 йил Тошкентда ўтказишга қарор қилганлиги тўғрисидаги хабар олинди.

● Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг навбатдан ташқари қурултойида Президентнинг сўнгги Фармони асосида республикада кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

● Бугун Тошкентда «Илҳом-ХХ» учинчи халқаро замонавий мусиқа фестивали очилди.

## ЖАҲОНДА

● Россия Президенти Борис Ельцин билан Япония Бош вазири Рютаро Хасимотонинг 18-19 апрель кунлари кунчиқар мамлакатидаги Кавана курорт шаҳарчасидаги норасмий учрашуви якунида икки мамлакатнинг космик фазони ўзлаштиришда ҳамкорлик қилишига, Москва вилоятида япон автомобилларини йиғиш корхонасини барпо этишга ва бошқа баъзи аҳдлашувларга эришилди.

● Бугун Литванинг Паневежис шаҳрида Литва ва Латвия президентларининг учрашуви бўлиб ўтади. Унда асосан сўнгги пайтда Россия билан Латвия ўртасида юзага келган танглик масаласи кўриб чиқилиши мўлжалланмоқда.

● Чили пойтахти Сантьягода Лотин Америкаси мамлакатлари давлат ва ҳукумат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. Кубадан ташқари барча Лотин Америкаси мамлакатлари раҳбарлари ҳамда АҚШ Президенти Билл Клинтон иштирок этган ушбу учрашувда минтақавий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш истиқболлари муҳокама этилди.

● Пекинда Жанубий ва Шимолий Корея ўртасидаги музокаралар натижасиз тугади. Шимолий Корея Жанубий Кореяни иқтисодий масалаларни сиёсатга аралаштиришда айблаб музокараларни тўхтатди.

● АҚШнинг юқори мартабали махсус вакили Билл Ричардсоннинг Афғонистонда «Толибон» ҳаракати раҳбарлари ҳамда толибларга қарши коалиция етакчилари билан учрашувларидан сўнг 27 апрелда бу бир-бирига қарши турган кучлар вакилларининг Покистоннинг Исломобод шаҳрида ўзаро музокараларни бошлашларига келишиб олинди. Музокараларни худди шу санада бошлашга қарор қилингани тасодифан эмас. 1977 йил 27 апрелда Афғонистон раҳбари Нур Муҳаммад Тараккийга суиқасд уюштирилганидан сўнг бу мамлакатда можаролар авж олиб кетган эди.

● Бугун Страсбург шаҳрида Европа Иттифоқи Парламент ассамблеясининг навбатдаги сессияси иш бошлайди.

● Кеча Австрияда президент сайловлари бўлиб ўтди. Дастлабки маълумотларга қараганда ҳозирги давлат раҳбари Томас Кленти бу сайловда ишонарли ғалаба қозонган.

● Украина Президенти Леонид Кучма бир кунлик ташриф билан Қримда бўлди. У бу ерда, жумладан, қрим-татар миллати етакчилари билан ҳам учрашиб, улар муаммосини ҳал этишга ваъда берди.

● Сўнгги 20 йил ичида энг кучли сув тошқини Аргентина шимолий халқ хўжалигига 2 миллиард доллар миқдорида иқтисодий зарар келтирди. Табиий офат натижасида 4 киши ҳалок бўлди. Аргентина Президенти халқаро ҳамжамиятга ёрдам сўраб мурожаат қилди.

● АҚШ жануби-шарқидан яна «Торнадо» бўҳрони ўтиши оқибатида 10 киши қурбон бўлди. Бу бўҳрон қурбонларининг сони шундай қилиб 108 кишига етди.

● Атмосферадаги озон туйнуги катталашиб, Ер юзида ҳарорат кўтарилиб бораётганлиги оқибатида Антарктидада биринчи марта 200 квадрат километр сатҳга эга абадий музлик ажралиб, суза бошлади.

● Мисрда сўнгги 30 йил мобайнида бу вақт учун энг кучли жазирама бошланди. Ҳозир бу ерда ҳарорат 43 даражага етмоқда.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

• Иқтисодиёт • Ижтимоий соҳа • Маданият


## ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Алоқа кабель иншоотларини таъмирлаш бўйича режадаги ишлар амалга оширилиши муносабати билан

**1998 йилнинг 5 майигача**

53-АТС ва 56-АТС абонентлари ўртасида бир-бирларига телефонга уланиш пайтида алоқанинг ёмонлашиш эҳтимоли бор.

* * *

Буюк Ипак йўли ва Файзулла Хўжаев кўчалари кесишган чорраҳада қурилиш ишлари олиб борилаётганлиги муносабати билан

**1998 йилнинг 20 апрелидан 20 майигача**

60/63-АТС, 61/64, 162, 65/66, 67/68, 169-АТС абонентларида алоқа сифати вақтинчалик ёмонлашиши мумкин. Шунингдек, ана шу АТС абонентларининг шаҳарлараро телефон станцияларига чиқишлари қийинлашади.

**Очиқ турдаги «Toshkent shahar telefon tarmog'i» ҳиссадорлик жамияти.**




• *Аҳмад Югнакий гузари бозори аҳолининг барча эҳтиёжларига жавоб беради. Шу сабабли барча «Дилмурод» фирмасидан мамнун.*





• *Туманда қурилиш ишларига катта эътибор берилмоқда. Суратлардаги ўтиш ер ости йўли қурилиши фикримизнинг далилидир.*

*Ўзбекистон Мустақиллигининг етти йиллиги олдидан*

*1998 — Оила йили*

# САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗА

Туманлар йўкламаси: Мирзо УЛУҒБЕК

(Давоми. Боши 1-бетда).

## РЕЖАЛАР БИСЁР

— Бу йилги режалар жуда ҳам кенг кўламли экан, — сўрадим туман ҳокими Абдуазим Мажидовдан, — уларни рўёбга чиқариш катта куч талаб этиши ҳам табиий.

— Имкониятлардан келиб чиқиб тузганмиз, — жилмайди Абдуазим Ҳакимович, — танишиб чиққан бўлсангиз бир қатор тадбирлар амалга оширилиб бўлди.

— Соғлиқни сақлашга катта эътибор берилибди. — Албатта, соғлиқни сақлаш шохобчалари қурилишини назарда тутяпман...

— Бу — табиий. Ахир оиланинг хотиржамлиги энг аввало оила аъзоларининг соғлигига боғлиқ-ку. Шу сабабли бу йилги режамиздан 15-шифохонани таъмирлаш, «Она ва бола» республика марказини қайта ташкил этиш, Зелинский кўчасида 20-поликлиника қурилиши сингари юмушлар ўрин олган. Барча ишларни мустақиллигимизнинг етти йиллиги тантаналаригача якунлаш ниятидамиз.

— Салор каналининг нариги соҳили текисланиб қўйилибди. У ерга ҳам бирон иншоот қуриш кўзда тутилган бўлса керак?

— Йўқ, у ерда катта боғ барпо этмоқчимиз. Салор каналини тозалаб, ажойиб оромгоҳ бунёд этамиз. Эски ҳайвонот боғи ўрнида ҳам яна бир боғи Эрам барпо бўлади. Таъкидлашим жоиз: ободончиликка, тозаликка катта эътибор беряпмиз. Президентимизнинг «Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги фармонини бажара бориб, туманда қилинадиган ишларни аниқ белгилаб, қарор қабул қилганмиз. Барча мутассадди ташкилотлар ҳозир ўз вазифаларини адо этишга киришганлар. Ой сайин туманимизда юқумли касалликларга қарши кўрилаётган чора-тадбирлар, санитария жиҳатдан тозалиги ва кўкаламлаштириш, ободонлаштириш, бозорлардаги тозалик, бошқа юмушлар хусусида ҳисоботлар тингланади, йўл-йўриқлар берилади. Натижаси кутганимиздек бўляпти.

— Абдуазим Ҳакимович, маънавий-маърифий масалалар хусусида нималар дея оласиз?

— Бу масалалар ҳамиша диққат марказда бўлиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Туманимизда «Тасвирий ойина» маркази ишга туширилди. У туман маркази чорраҳасидаги кичик майдончада барпо этилди. Экспонатлари бир йилда икки марта алмаштирилади. Ҳозир Оила йили, Наврўз, маънавий-маърифий ишларни акс эттирувчи лавҳалар «Тасвирий ойина»ни безаб турибди. У туманимизнинг ўзига хос кўзгусидир.

Туманимизда оила маркази қуриш ниятимиз ҳам бор. Ҳозир тайёргарлик жадал олиб бориляпти.

Шу пайт рациядан ҳокимни сўраб қолишди.

— Узр, — деди Абдуазим Ҳакимович, — суҳбатни бўлишга тўғри келади. Юз марта эшитгандан бир марта кўрган яхши. Ўзингиз кўринг, яхшиси...

Менга ҳам бу таклиф маъқул тушди. Ахир «Юрган дарё» дейди-ку халқимиз.

## «ФАЙЗИОБОД»НИНГ ФАЙЗИ

МАШИНАМИЗ трамвай йўлидан бурилиши билан карнай-сурнай садолари эшитилди.

— «Файзиобод» маҳалласида бугун Наврўз, — изоҳ берди ҳамроҳим, туман тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси раиси Насрулло Абдувалиев, — кириб ўтайлик...

Маҳалла гузари одамлар билан тўлиб-тошганди. Ораста кийинган қиз-жувонлар, йигит-яланглар хизматда, отахонлар иззатда эдилар. Қозонлардаги ҳалимнинг ширин ҳиди димоқларни қитиқларди.

— Асл таомда, — суҳбатга қўшилди оқсоқол Собиржон Ҳамдамов, — отахон, онахонлар билан маслаҳатлашиб ҳам ҳалим, ҳам сумалак қилдик. Лекин маҳалла қўшилиб кетгани учун гузаримиз иккита эмасми, нариги гузарда аёлларимиз сумалак сайли қилишяпти.

— Ҳалимни ким пиширди?

— Ҳабибулло Мирҳодиев деган отахонимиз борлар. Сумалакнинг бошида эса Зуҳра ая Усмонова, Мавжуда Мирҳамидова, Марҳамат Мирраҳимовалар «раҳбар». Буғдой тозалашдан то қозонга тушгунча барака топгур аёлларимиз тиним билишмади.

— Аҳоли кўпдир-а? Ҳалим, сумалак етказиш осон эмасдир?

— 17 миллат вакилларидан иборат 6500 аҳоли бор, — оқсоқол жонланиб кетди. Худди бир оила кишисидекмиз. Буни дастурхонимиздан кўрсангиз ҳам бўлади.

Чиндан ҳам дастурхонда ҳамма нарса бор эди: ўзбекнинг патири, корейснинг машҳур «сабзи салати», руснинг тузламасию, соҳибкор тожикнинг олма, узуми... Айтиб адо қилолмайсиз. Ҳинд чойидан хўплаб, гурунг қилишарди одамлар.

— Ҳомийларга раҳмат. Айниқса, «Дилмурод» хусусий фирмаси бизларга катта ҳиммат кўрсатди, — деди Ҳакимхўжа ота, — доимо маҳалладан хабар олиб, зарур пайтда кўмаклашишади. Директори Мавжуда Холиқова кўп меҳрибон аёл, барака топгур.

— Маҳалламиз тинч, — оқсоқолни қувватлади Ҳикмат ота Муҳамедов. — Аҳиллик бор жойда тинчлик бўлади доим.

— «Файзиобод»нинг файзи бўлакча, — дедим қайтаётганда, — жуда кўркам маҳалла экан.

— Ҳамма маҳаллаларимиз файзли, — Насрулло гапни илиб кетди. — Файзиобод шуларнинг биттаси.

— «Дилмурод» фирмаси ҳақида гапиришди...

— Фирманинг Аҳмад Югнакий номли савдо шохобчаси бор... Шундоққина «ТТЗ»нинг ёнида. Ҳамма нарса муҳайё десам ишонаверинг. Ён-атроф маҳалладагиларнинг оғири енгил, узоғи яқин бўлди. Бундай фирмалар анчагина. Юринг, уларнинг биттаси билан танишинг. Лол қоласиз...

## ЯША, ЎЗБЕГИМ!

УЛУҒБЕК «Стомасервис»да йўқ экан. Идорада, дейишди. Сал ҳафсалам пир бўлди. Идора қаёкда-ю, қачон борамизу...

— Кўчанинг нариги бетида, — деди Насрулло фикримни ўқигандек, — санаб қадам боссангиз юз ўн қадам чиқади. Фақат каттароқ одим отасиз-да. Унгача «Стомасервис»нинг шароитини кўринг.

Бу ердаги ҳамма нарса — деворлар, ойналарнинг бўёқлари, тиш даволаш ускуналари — ҳамма-ҳаммаси олий даражада эди. Ҳатто эшик тагидаги рўйхатга олувчи қизнинг енгилгина таъзимию: «Хизматингизга ҳозирман» дейиши кишини бир қадар хайратлантирарди.

Идорада фирма директори Улуғбек Холматов бизни кутиб олди. Истараси иссиқ йигит экан...

— Нега фирманинг номи «Стомасервис»?

— «Стома» — стоматология сўзидан олинган, — тушунтирди Улуғбек, — сервис — хизмат кўрсатиш. Тиш соҳасида қандай хизмат бўлса — марҳамат!

— Фирманинг идораси, даволаш хоналарига қараганда жиҳозлар ҳам шунга яраша бўлса керак?

— Албатта. Ҳозир давр талабини ўзингиз биласиз. Юқори малака бўлмаса орқада қолиб кетиш ҳеч гап эмас. Тиббий асбоб- ускуналар Швейцариядан келтирилган. — Улуғбек ҳар хил қутичалардаги нозик асбобларни кўрсатди, — пломба материаллари эса Англиядан келтирилди. Бошқа йирик техник жиҳозлар эса Германияда ишланган...

— Малака-чи, малака? — унинг сўзларини бўлдим.

— 6 та шифокоримиз бор. Ҳаммаси хорижда ўқиган. 6 та ҳамшира, 3 та техник — жами 25 киши фирмада хизмат кўрсатади. Барчаси ўз ишининг устаси...

— Қандай қилиб бошладингизлар?

— Дастлаб 5000 долларимиз бор эди. Ўша барча юмушларга асос бўлди. Кейин кредит ҳам олдик. Ҳозир ҳамма ишларимиз жойида. Дилимиздагини айтсам, ҳамма нарса интилишга боғлиқ деб ўйлайман. Ҳалол ишлайман деганга имкон истаганча бор.

— Ўзингиз ҳам врачмисиз?

— Оиламиз билан шифокормиз: отам, онам, акам, синглим, рафиқам Лайли Султонова, кеннойим Азиза...

Рафиқам мен билан бирга, кеннойим Азиза Холматова, акам Алишер Холматов билан «Проктасервис»да хизмат қилишади.

Яқинда «Дентсплей» корпорациясининг конференциясига бориб келдим. 60 киши қатнашди. Ҳамдўстлик мамлакатлари, бошқа мамлакатлардан ҳам вакиллар бор эди. Корпорация жаҳонга машҳур. Ўша ерда Швейцария байроғи билан Ўзбекистонимиз байроғи ёнма-ён турганини кўриб, юрагим тошиб кетгудек бўлди. Шунда ғururим жўшиб: «Ватаним қадри, шаъни шунчалар баландлашган экан, шунга яраша бўлишим керак» деб ўйладим...

— «Ташаббус — 97» танлови якунига кўра «Стомасервис» фирмаси «Энг сифатли хизмат кўрсатувчи» деб топилди, — Насрулло суҳбатга қўшилди. — Умуман фирманинг парвози баланд. Энг муҳими мижозлар хурсанд.

«Проктасервис»ни ҳам кўрдик. У ерда бир йўла 8 киши даволанар экан. Шароитларни кўздан кечиргач, менинг ҳам қалбимга нур ёғилгандек бўлди. Беихтиёр — Яша, ўзбегим! — деб юбордим.

## ТАДБИРКОР, ОМАД БЎЛСИН СЕНГА ЁР!

— Оилавий тадбиркорлар борми яна? — сўрайман Насрулло Абдувалиевдан.

— «Ташаббус-97» танловининг туманимиз босқичида тадбиркорлик фаолиятини юритаётган, ўрта бизнес бўйича иш олиб бораётган фирма ва корхоналар иштирок этди.

— Албатта, ушбу танловдан кўзда тутилган мақсад бўлса керак.

— Бўлмасам-чи! Энг яхши тадбиркорни аниқлаш, уларнинг фаолиятини оммалаштириш, хорижбоп, харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кучайтириш, тадбиркорлар касб-маҳоратини ошириш, янги технологияни жалб этиш — кўзлаган мақсадимиз эди. Танловда 60 дан зиёд тадбиркор иштирок этди. Танлов жараёнида «Оптоэлектроника», «Протон», «А-Три», «Стомасервис» каби 9 та хусусий ва кичик корхоналар ҳам иштирок этишди.

— Якун нима бўлди?

— «Протон» илмий-техник корхонаси «Энг яхши тадбиркор», «Фарадис» хусусий корхонаси «Энг яхши хунарманд» деб топилди. «А-Три» эса «Янги ғоя эгаси» бўлди. «Стомасервис» боя айтганимдек «Энг сифатли хизмат кўрсатувчи» деб қайд этилди. Уларга туман ҳокимлиги таъсис этган махсус совринлар топширилди.

— «Протон»нинг бунчалик парвозига қандай баҳо берасиз?

— Тадбиркорлик — бу маблағни жойига сарфлаш деб ўйлайман. «Протон» жамоаси шундай қиляпти.

— Кредит олибди деб эшитувдим...

— Ҳа, 500 минг доллар миқдорида кредит олди.

— Ҳамма корхоналар ҳам олиб, ўзини ўнглаши мумкинми?

— Содда, ўзбекча қилиб тушунтирай. Бировдан қарз олмоқчисиз, дейлик. Қарз берувчи уйингизда мол-ҳолингиз ёки бошқа арзигулик матоҳингиз бўлса, иккиланмай айтган пулингизни беради. Корхоналарда ҳам шундай. Бир сўм қарз олиш учун 2 сўмлик ашёси, жиҳозлари бўлиши керак-да! «Протон» 500 минг доллар кредит олган бўлса, унинг моддий жамғармаси 700—800 минг доллар баҳоланади. Тушунтиролдимми?

— Тушундим.

— Палатамиз ҳар томонлама тадбиркорларга кўмак беришга шай. Чет эл фирмалари билан алоқа боғланса қандай яхши! Туманда шундай имконияти бор фирмаларимиз анчагина...

— Палатанинг яқин кунлардаги режалари билан таништирсангиз...

— Ҳокимлигимиз ёрдамида 4—9 май кунлари «Боғи Эрам» оромгоҳида товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар кўргазмаси ўтказмоқчимиз. Мақсадимиз — маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар ўртасида алоқани мустаҳкамлаш, молиявий ва хом ашё ресурсларини тўлдириш, маҳсулотларни сотиш, чет эл фирмалари билан шартномалар тузишда ҳамкорлик кўрсатиш. Кўргазмада барча турдаги мулкчилик шаклидаги тадбиркорлар қатнашиши мумкин.

— Хориж фирмалари билан шартномалар тузиш ҳақида гапирдингиз...

— Ҳамдўстлик мамлакатлари, чет эллардан меҳмонлар келишини кутяпмиз... Кўргазмада асосий эътиборни ишлаб чиқарувчилар ва таъминловчилар ҳақида ишонарли маълумот олишга, халқ истеъмол молларининг ва ишлаб чиқариш ускуналари бўйича аниқ таклифларга, уларни сотиш ва таъминлашга, кичик ва ўрта корхоналар ўртасида иқтисодий, ишбилармон, савдо алоқаларини ўрнатишга, ишлаб чиқариш ва янги технологияларни жалб қилишда тажриба алмашувига қаратмоқчимиз.

— Туманда директорлар кенгаши иш олиб бораётган экан. Унинг асосий вазифаси нималардан иборат?

— Туманнинг ички ишлаб чиқариш имкониятларини тўлалигича ишга туширишдан иборат.

— Ҳозир аввалги қудратли, ҳудуди ниҳоятда катта корхоналарда одамлар жуда ҳам кам қолди.

— Нима демоқчи бўлаётганингизни тушуниб турибман. Тўғри, авваллари ҳудуди қанча катта бўлса, шунча қудратли саналарди. Ҳозир аксинча. Ўшандай корхоналарнинг ҳудудидан самаралироқ фойдаланишни ҳам ўйлаяпмиз.

— Тадбиркорга омад ёр дейишади, илоҳим шундай бўлсин, — дедим суҳбат сўнгида.

(Давоми 3-бетда).



• *Тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси раиси Насрулло Абдувалиев (чапда) Мақсуд Муҳамедов (ўртада) тадбиркор Комил Абзалов билан.*



• *«Стомасервис» фирмасида шифокорлар энг замонавий асбоб-ускуналар билан даволаш ишларини олиб борадилар.*



• *Спорт ҳамиша туман мутасаддиларининг диққат-марказида бўлиб келган. Теннис кортлари ҳамиша ишқибозлар билан гавжум бўлади.*

*Биласизми?*

# ШЕРИКЛИКДАН ҲИССАДОРЛИККА

***Ҳозир тилимизда кенг маънода қўлланилаётган акция сўзи қачон ва қаердан келиб чиққан? Буни билиб қўйиш фойдадан холи эмас. Зеро, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитларида кўпчилигимиз акциядорлар бўлмоқдамиз.***

Дунёда савдо-сотиқ ривожланган сари, савдогарлар бирлашишга ҳаракат қила бошладилар. Шундай қилиб ширкат ҳаракати вужудга келди. Қадимги Римда бу ҳаракат бутун Ўрта Ер денгизини қамраб олди. Кейинроқ IX-X асрларга келиб кема билан юк ташувчи шериклар таркиб топди, уларнинг бири юк етказиб берса, иккинчиси ўз жойида қолиб олиб келинган молларни сотиш билан шуғулланди.

Денгиз ширкат усулидан кейин оилавий ширкат усули туғилди. Яъни ота-она, болалар, қариндош-уруғлар бирлашиб топган барча бойлик даромадни ўртада жон бошига тенг бўлиб баҳам кўрдилар. Бора-бора бу бирлашув компания деб юритиладиган бўлди. Кейинчалик «Улуғ жамият», яъни уч оилавий компания тузилди. Равенсбург шаҳрида бу компания 1380 йилдан 1530 йилгача фаолият кўрсатди. Унинг Генуя, Милан, Берн, Женева, Барселона, Вена, Париж шаҳарларида ҳам бўлимлари бор эди.

XVI асрга келиб Англияда биринчи акционерлик жамиятлари вужудга келди. Улар аъзолари асосан турли матолар, жунлар, шойи ва духоба материаллари билан бошқа давлатларга бориб савдо-сотиқ қилувчи савдогарлар эди. Англиянинг машҳур Ҳиндистон (Ост-Индия) компанияси барпо бўлган биринчи пайтларда акционерлик жамиятига қарашли эди. Компаниянинг маблағи фақат бир марта юкларни ёлланган кемада олиб боришга кетадиган харажатни қоплаш учун йиғиларди. Кема савдо-сотиқдан қайтгандан кейин, компаниянинг ҳар бир аъзоси олинган даромад билан бирга қўшган пайини (улушини) ҳам қайтариб олар эди. 1612 йилдан бошлаб компания бирданига бир қанча кема йўналишлари учун ҳам маблағ ажрата бошлади. Орадан 40 йил ўтиб, акционер жамияти маблағи даҳлсиз бўлди. 1688 йилга келиб жаҳонда биринчилардан бўлиб, Лондон биржаларида «Ост-Индия» компанияси акциялари сотила бошлади.

Акционерлик муносабатларини аниқ тушуниб етиш ва унинг имкониятларини амалда билиб ишбилармонлик билан қўллаш ғоят катта молиявий даромад келтириши, баъзида эса у турли сабабларга кўра банкротга учраши мумкин. Масалан: 1717 йили шотландиялик Жон Лоу Париж шаҳрида улкан Ҳиндистон компаниясини тузди ва бу компания яна Миссисипи компанияси деб аталди. Бу компаниянинг акциялари биржаларда сотилди. Компания ўз акцияларини ўта ишбилармонлик билан сотишга муяссар бўлди. Ярим йилдан кейин бу акцияларнинг номинал нархи бир неча мартага ошди. Лекин акцияларни бозорларда, биржаларда ушлаб туриш учун керакли маблағ — пул йўқлиги учун 1720 йилга келиб Лоу акциялари ўз қийматини йўқотди ва компания банкротга учради.

XIX аср ўрталарида Ғарбий Европа ва Америкада кенг кўламда темир йўллар қурилиши, металлургия саноати ҳамда кўплаб йирик маблағ талаб қиладиган янги корхоналар барпо этишга киришилди. Аммо бу ишларни олиб бориш учун етарли маблағ йўқ эди, шунинг учун бу буюк хизматларни фақат акционерлик жамиятларигина ҳал қилиши мумкин эди. Бу ўринда ўша давр кишиларидан бири: «Агар марказлашмаган акционерлик жамияти бўлмаганда жаҳонда темир йўл ҳам бўлмас эди», деб тўғри таърифлаганди.

Бугунга келиб эса акционерлик жамиятлари жаҳон хўжалигининг йирик ишлаб чиқариш тизимига айланди ва у хил-ма-хил турли кўринишларда намоён бўлмоқда. Англияда масъулиятли компаниялар, АҚШда ишбилармон-тадбиркор корпорациялари, Германияда эса асл акционерлик жамиятлари, Францияда савдо ўртоқлик компаниялари ишлаб, жаҳон бозорига товар ишлаб чиқариш ва уни реализация қилишда асосий ўринларни эгаллаб турибдилар. Чет эл компаниялари албатта, кўплаб бошқа акционерлик жамиятлари билан узвий боғланган бўлади. Агар шу компанияга қарашли кичик фирма инқирозга, банкротга учраса, бошқалари уни қўллаб-қувватлаб, амалий ёрдам беради. Унинг йўқ бўлиб кетишига йўл қўймайди. Бошқача айтганда акционерларнинг маблағини сақлаб қолишга имконият яратилади. Чет эл акционерлик жамиятлари олинган фойдадан дивиденд (акциядорлар даромади) миқдорини акциядорларга камроқ тўлаб, кўпроғини корхонани янги замонавий технология билан жиҳозлашга сарф қиладилар. Бу эса келажакда корхона ишлаб чиқараётган товарлар сифатини яхшилайди, унга кетган харажатларни камайтиришга, тобора арзонроқ бўлишига ва бозорларда эркин рақобат қилишга кенг йўл очиб беради, даромад кескин кўпаяди. Акциянинг нархи муомаладаги капитал миқдорига эмас, балки олинадиган даромад миқдорига боғлиқ. Яъни агар акцияларга дивиденд миқдори кўпроқ тўланса, у акциялар нархи юқори бўлади, агар камроқ тўланса, акциялар нархи камроқ бўлади. Бу жараён акциянинг молиявий-иқтисодий ҳаракатида, фонд биржаларда бир қўлдан иккинчисига ўтиб туришига имкон яратади.

Акция — бу қимматбаҳо қоғоз. Акционер ўз акциясини сотмоқчи бўлса, у фақат қимматбаҳо қоғозлар бозори — фонд биржаси орқали сотиши мумкин. Акция сотиб олган акциядор, фақат корхона олган фойдадан ўз улушини олади. Агар у ўз корхонасининг акциясини сотиб олган бўлса унга тегадиган улуш фақат корхонанинг йиллик ҳисоботи ёки акциядорлар йиғилишидан кейин дивиденд миқдори аниқланади.

*Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ.*







● «Эл соғлиғи — юрт бойлиги» дейдилар. Шунинг учун ҳам марказий тиббий шифохона лазер билан даволаш хонасида врач Амина Файзуллаева ва ҳамшира Райҳон Хўжанқулова бор билим ва маҳоратларини беморлардан аямайдилар. Болалар бўлими ҳамшираси Дилфуза Ражабовани эса кичкинтойлар ўз оналаридек эъзозлашади. Физотерапия бўлими ҳамшираси Мукаррам Темирова ҳамиша хизматга шай.

(Давоми. Боши 2-бетда).

## ЭЛ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

«ОНА ВА БОЛА» маркази Мирзо Улуғбек туманида анчайин машҳур. Ундаги шарт-шароитлар ҳақида шифо топганлар илиқ сўзлар айтишади.

— Ҳозир шифохона таъмирланаяпти, — деди ҳоким ўринбосари Илҳом Расулов, — юринг, яхшиси бу ҳақда бош шифокор Юрий Атальевич Клеймихин сўзлаб берсин.

Бош шифокор мулойимгина, лутфи ширин, боқишларидан ҳамдардлиги сезилиб турадиган инсон экан.

— Ҳа, шифохонамиз таъмирланаяпти. Энди унинг номи ҳам ўзгарди: шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси қошидаги Марказий шифохона деб аталади. Таъмир асосан иссиқлик манбалари, хўжалик муаммолари, бинонинг кўриниши билан боғлиқ. 275 ўринли шифохонамизда барча лабораториялар иш олиб бораверади. Қисқаси шифохона қайтадан мослаштирилади.

— Она ва болалар энди бу ерда даволанмайдими?

— Нега? Она ва бола соғлиғи ахир жамиятимизнинг, мамлакатимизнинг эртанги куни деган гап-ку. Шуни назарда тутиб, кундузги болалар шифохонаси ташкил этилади. Болалар кун бўйи даволанади, кечқурун эса уйларига жўнатилади. Катта ёшдагиларга ҳам худди шундай имконият яратилади.

— Демак, ҳафталаб, ойлаб ётиб даволанишга чек қўйиладими?

— Асло! Беморларга қулай йўлини излаяпмиз. Ким қандай хоҳласа шундай даволаниши мумкин.

— Иссиқлик тармоқлар, бошқа анжомлар марказлашади дедингиз? Бунинг қулай томони борми?

— Албатта! Биз фақат даволаш билан машғул бўламиз. Ўз-ўзидан малакамизни оширамиз, даволаш жараёни ҳам чуқурлашади. Қисқаси ҳамма ўз ишини қиладиган бўлади: шифокор — даволайди, сантехник — иситади, совутади, боғбон боғига қарайди, — бош шифокор кулди, — 54 шифокоримиз энди фақат шифо улашади. Қўшимча ишлар билан шуғулланмайди.

— Соғлиқни сақлаш — энг муҳим масала, — деди йўлда Илҳом Расулов. — Оила йилидаги дастуримизда бунга катта эътибор берилган. Туманимиздаги барча шифохоналарда шундай ишлар олиб борилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб дастурга кўз ташладим:

● «Конституция ва оила» шиори остида илмий-амалий конференция ўтказиш.

● Ота-оналар учун доимий равишда фаолият кўрсатадиган «Инсон ва қонун» клубини ташкил этиш.

● «5-Олтинтепа», «6-Қорасув», «Феруза» мавзеларида тиббиёт пунктлари очиш.

● «Зомин» санаторийсига йил давомида 100 оилани даволанишга йўллаш.

● «Ногиронлар куни» арафасида «Меҳршафқат» ойлигини ўтказиш.

● Тумандаги 273 ёлғиз фуқарога ҳомийлик ёрдами кўрсатиш.

● Эски ҳайвонот боғи ўрнида оромгоҳ барпо этиш.

● Оилаларда бандликни таъминлаш мақсадида «Уста-шогирд» дастурини кенг ривожлантириш.

● 5-болалар, 15-шаҳар касалхонасини таъмирлаш.

● 208-мактаб қошида «Камолот» — спорт клуби базасини кенгайтириш.

● «Она — азиз, Оила — Муқаддас» тадбирини ўтказиш.

● Собиқ «Старт» стадионини таъмирлаб, замонавий «Спорт соғломлаштириш маркази»га айлантириш.

● Маҳаллаларда «Аёл — тарбиячи», «Аёл — оила», «Аёл — жамоа раҳбари», «Аёл маънавияти», «Ислом ва аёл», «Аёл ва оила» мавзуларида оммавий тадбирлар ўтказиш.

● «Замонавий оила — муаммолар ва келгуси режалар» мавзусида фуқаролар анжуманини ўтказиш.

Дастурдаги Наврўз, Мустақиллик байрамларига бағишланган кенг миқёсли тадбирларни таъкидласак ўринли бўлади.

Хаёлимдан «Баҳор» маҳалласида «Криди» ногирон болалар клубидаги 50 болага ўтказилган тадбир кечди. Шу куни болаларга совға-салом улашилди. Тўкин дастурхон устида уларнинг қувончли кулгулари кечгача янграб турди. Айниқса жажжи қизалоқнинг:

— Мен биламан, оилам жуда катта. Шу маҳалла, шу туман, шу Ватан менинг оилам, бизнинг оиламиз. Ота-оналаримиз шунчалар кўпки, шунчалар меҳрибонки, меҳрлари йиғилса дарё бўлади. Шу дарёда бизнинг ногиронлигимиз билинмайди, яшашга, ҳаётга муҳаббатимиз ортади, — дея кўз ёшлари аралаш айтган сўзлари барчанинг дилига чақмоқдек ярқ этиб тегди.

— Баҳорда кўнгли баҳор бўлган болаларим, — деди бир онахон кўз ёшларини артар экан.

— Ҳа, уми, — Илҳом Мамажонович хўрсинди, — бундай тадбирларни деярли ҳар ҳафтада, ҳар ойда ўтказяпмиз, — кейин жонланди, — сизга бир оилани кўрсатай. Узоқ эмас, ўзингиз ҳозир айтган «Баҳор» маҳалласида, Сўфизода кўчасида яшашади.

## ГУЛЛАРГА ТЎЛА ОИЛА

ЭШИКНИ жамалак соч қизалоқ очди.

— Ассалому алайкум, амаки, — деди у бидирлаб, — бувамни чақирайми?

Сал ўтмай ёши 80 лардан ошса ҳам қомати тетик киши кўринди.

— Келинглар, марҳамат, — деди у муаллимларга хос такаллуф билан.

Мақсадимизни билгач, юзларига табассум ёйилди.

— Оддий бир оиламиз. Туманда жуда ҳам кўп бунақаси. Ҳай майли, бўлмасам. 40 йил 207-мактабда ўқитувчилик қилдим. Бошланғич синфларга ҳам, география, тарихдан ҳам сабоқ бердим. Аёлим Матлуба билан 58 йилдан буён аҳил яшаб келамиз. Бир-биримизга суяниб қолганмиз.

Сизга айтсам етти болани улғайтирдик. Катта қизим Сайёра ўқитувчи, 4 фарзанди, неваралари бор. Ҳозир нафақада.

— Нафақада? — деб юбордим.

— Нафақада. Умр шунақангги тезкор экан. Кичик қизим Салима боғчада тарбиячи. У ҳам нафақага чиқади. Бир оилада учта нафақахўр. Ана шунақа, Раҳима қизим ҳам Сожида қизим ҳам ўқитувчи. Ўғилларим Абдуллажон муҳандис-геолог. Саъдулла муҳандис-кўприксоз, Файзулла — шофёр. Келинларим Саломатхон, Насибахон муаллим, Нодира ҳамшира. Шу кенжатой билан тураман.

— Онахонимиз нима иш қиладилар?

— У кишининг ишлари ҳаммадан улуғ. Шу етти фарзандни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказди. У — она!

Бир муддат жим қолдик. Жимликни Раҳим аканинг ўзи бузди.

— 58 йил давомида яхшини ҳам, ёмонни ҳам кўрдик. Барига сабр қилдик. Охири мана шундоқ кунларга етиб келдик.

— Ҳеч эр-хотин сан-манга борганмисизлар?

— Сан-манга бориш қандоқ бўлади? — жилмайди Раҳим ака, — ҳали бирон марта тилимизга ёмон гап олмаганмиз.

— Бахтиёр бобо билан буви набиралар ардоғида яшаяпсизлар экан-да?

— Яшаганда қандоқ, — деди Раҳим ака ва невара, эвараларини санаб кетди: — каттасида 4 та, кичигида 3 та, Файзуллада 5 та, эҳ-ҳе адашиб ҳам кетади киши. Ҳаммаси бўлиб 25 та невара, 15 та эварамиз бор экан. Бола — оиланинг гули! Эҳ, буларнинг ширинлиги!

Маҳалла оқсоқоли Охунжон Абдураҳмонов ҳам ушбу оилани тўлқинланиб алқади:

— Раҳим ака ўқитган бизни. Яқинда Раҳим аканинг ҳовлиси тўлиб кетди. Ҳаммамиз бирон маъраками десак, бола-чақалари у кишини туғилган кунлари билан қутлашга йиғилишган экан. Ҳаммамиз ҳурмат қиламиз. Ҳаммамизга ибрат у киши.

Хайрлашаётганда Раҳим ака қистади:

— Бир пиёла чой ичмай кетасизларми?

— Матлуба аямиз билан бир ёстиққа бош қўйганингизнинг 60 йиллигида, — дедик.

— Илоҳим насиб этсин, — Раҳим ака дуога қўл очди.

...«НУР» маҳалласи гузари қурилишини кўриб сўрадим:

— Жуда каттаку-а?

— Барча тадбирларни шу ерда ўтказишни мўлжаллаяпмиз, — изоҳ берди Илҳом Расулов.

— Оила маркази шу ерда бўладими?

— Эй, йўқ, у тамом бошқа қурилиш. Ҳозир қурилиш лойиҳаси бор. Бир қаватли, чиройли бино бўлади оила маркази. «Қорасув-2» мавзесида — Шукур Бурхонов ва Дониёрбоши кўчалари кесишган жойларда қад ростлайди. Ҳозир унинг ўрни тайёрланяпти. Битганда албатта чақирамиз. Мустақиллик байрамигача битирамиз. Ўзи номидан маълум: янги оилаларга, келин-куёвларга ҳаётий маслаҳатлар берилади. Оилавий ҳаёт билан таништиради. Оила билан боғлиқ қандай тадбир бўлса шу ерда ўтказилади. Бу йилги яна бир катта ишимиз Тошкент Ҳалқа йўли бўйидаги 4,5 гектар боғ-узумзорда «Болалар маҳалласи» бунёд этамиз. Ҳозир тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда.

— Туманда илмий кенгаш бор эмишми?

— Бор, бор. Мирзо Улуғбек туманида 26 та илмий-тадқиқот институтлари мавжуд. Уларнинг раҳбарларидан иборат илмий кенгаш иш олиб боряпти. Илмий кенгаш ҳокимлик билан биргаликда 1998 йилда Кибернетика лицейи очишни режалаштирдик. Ҳозир илмий кенгаш мактабларга ўқув қўлланмалари тайёрлаш устида изланяпти. Хуллас иш кўп. Биздан фидойилик талаб этилади, холос.

***...Тумандан қайтар эканман, Саккизинчи мўъжизани топгандек бўлдим. Бу — бизнинг бебаҳо истиқлолимиз! Бу — эртанги кун ишқида меҳнат қилаётган қалби олов кишиларимиз!***

***Мирзо Улуғбек туманининг меҳнаткаш, пешона тери билан бахт яратаётган кишиларига чин қалбдан таъзим қилгим келди.***

# Ўзбекистон Мустақиллигининг етти йиллиги олдидан

1998 — Оила йили

# САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗА

Туманлар йўқламаси: Мирзо УЛУҒБЕК

*Мирзо Улуғбек туманига бағишланган материалларни Темур УБАЙДУЛЛО тайёрлади. Суратларни Рустам Шарипов тасвирга олган.*



● «Баҳор» маҳалласида Раҳимжон ота ва Матлуба аяларнинг хонадонини билмайдиган, бу оилани чин қалбдан иззат қилмайдиган киши топилмаса керак.



● «Нур» маҳалласи гузари ўзининг кенг миқёси, меъморий услуби билан ўзига хос бино сифатида қад кўтармоқда.

*Покизалик*

# ҚЎШ ЙЎНАЛИШДА

***Пойтахтимиз ҳудуди тозалигини таъминлаш ишларини тартибга солиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳудудини санитар тозалаш бошқармаси ташкил этилгани маълум қилинган эди. Унинг мақсад ва вазифалари хусусида бошқарма бошлиғи Ғафур Рустамов билан суҳбатлашдик.***

**— Ғафур Дониёрович, озодаликни таъминлашда янги бошқарма тузишга нима мажбур қилди?**

— Тошкент шаҳар ҳудудини санитар тозалаш бошқармаси Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан, шаҳар Ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси ҳузурида ташкил этилди. Бошқарманинг эса туманларда дирекциялари ишлайди. Бунинг сабаблари бор, жумладан пойтахтимизда бир йилда бир ярим миллион тонна чиқинди чиқарилади. «Махсустранс»нинг 553 та ахлат ташувчи машиналари эса бир миллион бир юз минг тонна чиқиндини чиқариб ташлай олади. Демак, ҳар йили шаҳар ҳудудида 400 минг тонна ахлат қолиб кетар эди. Шунга кўра биз бир неча ривожланган давлатлар пойтахтида бўлиб, ушбу иш қандай йўлга қўйилгани билан танишиб қайтдик ва дастлаб уни тажриба сифатида Юнусобод туманида қўлладик. Тажриба ўзининг ижобий натижаларини берди. Энди уни бутун шаҳар бўйича татбиқ қилмоқдамиз.

**— Бошқарманинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?**

— Бошқармамиз асосан икки йўналишда ишлайди. Биринчисига кўра, шаҳар ҳудудидан чиқиндини олиб чиқиб кетиш бўйича «Махсустранс» ташкилотлари билан шартнома тузади. Агар ушбу ташкилот бу иш учун етарли имкониятга эга бўлмаса, қўшимча равишда бошқа ташкилот транспортларини ёллаши мумкин. Бу билан биз буюртма берувчи муассасага айланамиз. Масалан, фалон ҳудуддаги чиқиндини олиб чиқиб кетиш учун буюртма берамиз, хизмат ҳақини ҳам билдирамиз. Ушбу иш ва хизмат ҳақи қайси ахлат ташувчи ташкилотни қониқтирса шартнома тузилади. Шундай қилиб бу каби ташкилотлар ўртасида рақобат юзага келади. Кейинчалик «Махсустранс» ташкилотлари давлат қарамоғидан чиқиб, ҳиссадорлик жамияти ёки хусусий мулк шаклини олиши мумкин. Чунки барча ривожланган мамлакатларда жумладан ўша Англияда ҳам иш шундай ташкил қилинган, яъни ахлат ташувчи корхоналар ўзини ўзи таъминлайди.

Ҳозирги пайтда пойтахтимиздан чиқиндини олиб чиқиб кетиш ишини жонлантириш бўйича лойиҳа тайёрланган. Уни амалга татбиқ этиш учун Жаҳон банки, Европа ривожланиш ва тараққиёт банки ҳамда Ўзбекистон ҳукумати томонидан 56 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратиш кўзда тутилган. Ушбу маблағ асосан чиқинди қутилари, машина-техника воситалари харид қилиш учун, ахлат тўпланадиган махсус майдончалар барпо этиш учун сарфланади. Лойиҳа 1999 — 2022 йиллар мобайнида амалга оширилади.

Бошқармамизнинг иккинчи вазифаси чиқинди олиб чиқиб кетилгани учун аҳолидан хизмат ҳақини йиғиштириб олишдир. Тан олишимиз керакки, эски тизимда ишланган пайтда маълум сабабларга кўра бундай тўловнинг ўртача 40 фоизини аҳолидан ундириб олишнинг уддасидан чиқилмасди. Эндиликда хизмат ҳақини тўлиқ йиғиб олишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз, тўпланган пуллар туман ягона буюртмачи дирекцияларининг ҳисоб рақамларига келиб тушади. Ундан биз «Махсустранс» ташкилотларига кўрсатган хизматлари учун ўтказамиз.

**— Аҳолидан пул йиғиб олингандан сўнг жойлардан чиқинди олиб чиқиб кетилиши кафолатланиши керак, яъни бу икки иш ўзаро мутаносиб бўлиши лозим. Бу жараён назорат қилинадими?**

— Дарҳақиқат, чиқинди учун аҳолидан пул йиғиб олиш нозик иш. Шунга кўра бу борада тажриба тариқасида ишлар йўлга қўйилди. Биринчи тажрибага кўра жойлардаги одамларимиз уйма-уй юриб, ҳужжат асосида аҳолидан пул йиғиб чиқишади ва бунинг учун белгиланган маош олишади. Айрим ҳудудлардаги одамларимизнинг эса маошлари йиғиб олган хизмат ҳақига узвий боғлиқ бўлади, яъни бириктирилган ҳудуддан йиғиб олган пулларининг 10 фоизигача белгиланди. Ёки бўлмаса маҳалла фаоллари ўз маҳаллалари аҳолисидан пул йиғиб олиб, унинг 10 фоизигача маҳалла ҳисобига ўтказишади. Кўп қаватли уйларда истиқомат қиладиган аҳолига эса бир йиллик тўлов китобчалари тарқатилиши мўлжалланяпти.

Яна бир гап, бугунги кунда уй шароитида тадбиркорлик билан шуғулланадиганлар анчагина. Улардан, табиийки, кўп чиқинди чиқади. Авваллари бундайлар кўп чиқинди чиқаришса-да, ҳамма қатори бир миқдорда пул тўлашарди. Эндиликда уларда тўпланадиган чиқинди миқдорига қараб алоҳида хизмат ҳақи белгилаганмиз. Шуни ҳам айтишим керакки, ҳудудларга бириктирилган одамларимиз пул йиғиштириб олишдан ташқари чиқиндининг жойлардан ўз вақтида олиб чиқиб кетилишини ҳам назорат қилиб туришади. Бундан ташқари бошқармамизга 110 кишидан иборат (ҳар бир туманга 10 тадан) санитар милицияси бириктирилди. Улар ҳудудларнинг тозалигини, белгиланмаган жойларда чиқиндихона пайдо бўлмаслигини назорат қилишади. Қоидани бузганлардан жарималар ундиришади.

Кейинги ўзгаришлар шароитга қараб ўзгаравеади, масалан, шаҳар ташқарисидаги чиқинди тўкиладиган жойларда махсус тарозилар ўрнатиб, ахлатнинг оғирлигига қараб чиқинди ташувчи ташкилотларга пул тўлаш йўлга қўйилса, иш самарадорлиги янада ошади. Хорижий давлатларда бу усул аллақачон ҳаракатда. Бир сўз билан айтганда, пойтахтимизда санитария тозалигини таъминлашда бозор иқтисодиёти шароитларига босқичма-босқич ўтилмоқда.

*Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.*

*Танловлар*

# БИЛИМДОНЛИК БАҲСЛАРИ

***Давлат солиқ қўмитасининг мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Мен солиқлар ҳақида нималарни биламан?» номли республика танловининг биринчи босқичи якунланди. Унда энг кўп балл тўплаган 102 нафар ўқувчи шаҳар ғолиби бўлди.***

Танлов ўқувчилар ўртасида иқтисодий билимларга қизиқиш катталигини кўрсатди. Беллашув гарчанд 10-11-синф ўқувчиларига мўлжалланган бўлса ҳам унда 7-9-синф ўқувчиларининг қатнашганлиги қувонарли. Танловда пойтахтимизнинг Чилонзор ва Ҳамза туманларидаги 163-, 166-, 202-, 103-, 61-мактаб ўқувчилари фаол иштирок этиб, танловнинг навбатдаги республика миқёсида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Якунловчи босқич Тошкентда компьютерлар воситасида ўтказилади.

*Бахтиёр КАРИМОВ.*

# Араб қаҳқаҳаси

*— Ёшинг тўққизда бўлсаям на ўқишни, на ёзишни биласан, — койиди ўқитувчи ўқувчини. — Мен сендайлигимда отамга хатлар ёзардим, ундан келган мактубларни ўқирдим.*

*— Ундай бўлса, тўғрисини айтаман: Сизни ўқитган ўқитувчи менинг ўқитувчимдан ақлли экан, — деди ўқувчи.*

* * *

*Кекса ўқитувчи аёл сўради:*

*— Агар мен «Чиройли бўламан» десам, қайси замонда бўлади?*

*Ўқувчи*

*— Ўтган замонда.*

* * *

*— Қани, ақлли ўқувчим, сен менга бир нарсани айтчи, бир аср олдин нима бўлмаган эди?*

*— ...Мен ва ...сиз.*

* * *

*Ота ўғлидан сўради:*

*— Имтиҳондан ўтиб олдингми?*

*— Йўқ, дада, — деди ўғил.*

*— Сен ўзи ҳеч уялмайсан. Доим ўртоқларингдан орқада қолиб юрасан.*

*— Ҳеч ҳам-да... Бу сафар мен ҳаммадан аввал йиқилганлардан бўлдим.*

* * *

*Ўқитувчи:*

*— Сизларга шернинг кучлилиги, ҳужумкор ва жасурлигини тушунтирдим. Энди айтинг-чи, шер бошқа ҳайвонлардан қўрқадими?*

*— Ҳа, устоз!*

*— Нимадан?*

*— Она шердан, — жавоб берди ўқувчи.*

* * *

*Бола отасига:*

*— Ўқитувчим: «Агар хулқинг яхши бўлса, сени ҳайвонот боғига олиб бораман» — деди.*

*— Ҳа, тўғри... Ундан кейинчи...*

*— Аммо сиз киноға олиб бормоқчи эдингиз. Қайси бирингизга ишонай.*

* * *

*— Мактабга сочингни нега тарамай келдинг?*

*— Менда тароқ йўқ.*

*— Отангнинг тароғини олсанг бўлмасмиди?*

*— Афсуски, отамнинг сочи йўқ-да!*

* * *

*— Мени алдашга уялмайсанми? Сени ёшингда мен ҳеч қачон алдамаганман, — танбеҳ берди ўғлига ота.*

*— Отажон, сиз унда қачон алдоқчиликни бошлагансиз.*

* * *

*Кампир неварасига деди:*

*— Сизларникида тўрт ҳафта турган бўлсам, худди тўрт кун бўлгандекман-а... Вақтнинг ўтишини қара..*

*— Отамнинг айтишига қараганда, тўрт йил тургандек бўлибсиз.*

Арабчадан Абдулла АЛИМОВ таржималари.

## Оила кодекси лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида

# ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

**Оила йили деб эълон қилинган 1998 йилда оила манфаатларини таъминлаш, жамиятни ривожлантиришда оиланинг ролини оширишга қаратилган бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Инсон ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат дастурини рўёбга чиқаришда долзарб вазифалардан ҳисобланади. Оила кодекси лойиҳаси ана шу вазифаларни ҳал этишга мўлжалланган.**

**Айни кунларда мазкур лойиҳанинг умумхалқ муҳокамаси пойтахтимизнинг барча туман ва маҳаллаларида бўлиб ўтмоқда.**

**Ўз навбатида фуқаролар ҳам Оила кодекси лойиҳасига ўзларининг аниқ таклифларини баён қилмоқдалар.**

## МАЪНОСИ КЕНГ

**Улуғбек МУСАЕВ, шаҳар Адлия бошқармаси етакчи мутахассиси:**

— Янги кодекс никоҳ ва оила тўғрисидаги амалдаги кодексдан фаркли равишда — Оила кодекси, деб аталади. Чунки, «оила» деган сўз кенг маънога эга бўлиб, у никоҳ тушунчасини ҳам ўз ичига олади.

Лойиҳанинг умумхалқ муҳокамасига қўйилганлигининг ўзи айни муддаодир.

Оила жамиятнинг бир бўлаги деймиз. Уни давлат томонидан ҳимоя қилиш лойиҳанинг 7-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Бу тамойил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беш йиллигига бағишланган йиғилишда давлатимиз раҳбари билдирган ғояларни бевосита мужассамлантириб, айни пайтда оила жамият ва давлатнинг муҳофазасида бўлиши керак деган конституциявий қоидани рўёбга чиқаришни таъминлайди.

6-моддада оилавий муносабатларда маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарни қўллаш тартиби биринчи марта қонуний тартибга солинганлиги ҳам эътиборга лойиқдир. Шунингдек, мазкур лойиҳанинг иккинчи бўлими никоҳ тузиш тартиби шартлари, эр-хотиннинг шахсий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ масалаларни, фуқаролик қонун ҳужжатларини ҳисобга олиб, эр-хотиннинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ муносабатларни, шунингдек, эр-хотин мулкининг шартномали бўлиши, уларнинг ўз мажбуриятлари бўйича жавобгарлигини тартибга солишда асосий қўлланма бўлиб хизмат қилади, деб ўйлайман.

## БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

**Халил НАБИЕВ, Шайхонтоҳур тумани маҳалла оқсоқоллар кенгашининг раиси:**

— 1998 йил мамлакатимиз Президенти томонидан Оила йили деб, эълон қилинди. Бу фикр халқимиз томонидан қониқиш ва мамнуният билан қўллаб-қувватланганлигини таъкидлашни истардим. Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибига Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси лойиҳасининг киритилиши эса ана шу олийжаноб ташаббусга ҳамоҳангдир. Зеро, 1998 йилда оила манфаатларига, уни ҳар томонлама ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳимоялашга эътибор кучайтирилади.

Табиийки, оила — жамият кўзгуси. Оиладаги соғломлик, бокиралик, барқарорлик эл-юртда барқарорликни таъмин этади, жамият тараққиётида ўз акс-садосини беради.



*Пойтахтимизнинг 3-Қорасув даҳасида истиқомат қилувчи Маматқул ака ва Холида опа Исмоиловлар оиласини ҳуқуқшунослар оиласи деб аташади. Ҳуқуқшунослик билимини эгаллаган оила бошлиқлари ўз фарзандларини ҳам билимли, одоб-ахлоқли бўлиб камол топишларига катта эътибор беришяпти. Бинобарин фарзандлар ҳам ота-оналари изидан бориб улар танлаган соҳа йўлидан кетишмоқда. Жумладан, Фотима Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институтида, Зуҳра ва Тоҳир эса Ички ишлар вазирлигининг академиясида таълим олишади. Кенжа ўғил Тойир ҳам ҳуқуқшунос бўлиш орзусида.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

## АЛОҲИДА БОБ ҚЎШИЛСА

**Инобат НУРИТДИНОВА, Исломобод маҳалласи хотин-қизлар кенгаши раиси:**

— Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси лойиҳаси мукаммал бўлишига ҳисса қўшиш учун қуйидаги таклифни киритмоқчиман. Кодексга **«Оила саломатлигини таъминлаш»** деган алоҳида боб киритилса мақсадга мувофиқ бўларди. Шу бобда оила аъзоларининг саломатлиги учун масъул кимлиги, оилада ногиронлар бўлган тақдирда унинг саломатлиги учун жавобгарлар кўрсатилса, яна шу каби оила саломатлигига доир кўплаб масалалар ушбу бобда акс эттирилса, менимча кўп маъқул иш бўларди.

## МИЛЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРИМИЗГА МОС

**Қаҳрамон МИРЗАЖОНОВ, Яккасарой тумани судининг раиси:**

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўнинчи сессиясида Оила кодекси лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Қонун лойиҳаси жаҳон андозаларига тўғри келадиган, айниқса, ўзбек халқининг миллий урф-одатлари, шарт-шароитлари эътиборга олинган ҳолда, эр-хотиннинг ўзаро ҳуқуқий муносабатлари мукаммал таҳлил этилиб, кенг омма муҳокамасига қўйилди деб ўйлайман.

Шу ўринда ўз фикр-мулоҳазаларимни билдириб ўтмоқчиман.

Лойиҳанинг 15-моддаси 1-бандида «Никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланди», деб кўрсатилган.

Бизнингча шу жумладаги эркаклар сўзини **йигитлар**, аёллар сўзини **қизлар** деб ўзгартириб ёзилса манзур бўларди. Чунки, илк бор турмуш қураётганлар бизнинг шароитимизда йигит ва қизлар деб аталади. Миллий урф-одатларимизга эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Эркак ва аёл сўзлари бизда доимо катта ёшдаги кишиларга нисбат бериб айтилади.

105-модданинг 1-бандига эътибор қаратайлик:

«... алимент миқдори суд томонидан камайтирилиши мумкин», деб ёзиляпти. Бу ўринда алимент миқдори сўзидан кейин **манфаатдор томоннинг даъво талабига кўра, суд томонидан камайтирилади**, деб ёзиб қўйилса дуруст бўларди.

## АВВАЛ УЛҒАЙСИН

**Роҳатой САЪДУЛЛАЕВА, Ҳамза тумани ФХДЁ бўлими мудири:**

— Муайян ёшга етганда оила қурилади. Никоҳ тантаналарида ёшларга бахт-саодат тилайдилар. Вақт ўтиб, фарзанд туғилади. Кейин келин-куёв ота-она номига мушарраф бўлади. Улар фарзанд тарбиясига киришадилар. Умр ана шундай чархпалак. У чархпалакни оила аталмиш буюк бир қўрғон кузатиб боради. Чунки оила — бу кичик Ватан.

Ушбу сабабдан ҳам Оила кодекси лойиҳаси жуда кенг доираларда муҳокама қилиняпти. Туман аҳли, маҳалла фуқаролари, ҳар бир оилаларда мазкур лойиҳа ҳақида турли фикрлар билдириляпти.

Оила кодекси лойиҳасининг II бўлими, 3-боб, 15-моддасида **«Никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланади»** дейилади.

Мен шу жумлани **«Никоҳ ёши эркаклар учун 20 ёш, аёллар учун 18 ёш этиб белгиланади»** тарзида ўзгартиришни таклиф қиламан. Шунингдек, мазкур модданинг 2-бўлимини, яъни никоҳ ёшини узрли сабаблар бўлганда шаҳар ёки туман ҳокимлиги томонидан 1 йилга қисқартиришни умуман йўқ қилиш керак деб ўйлайман, сабаби Ўзбекистон иқлими, миллий урф-одатларимиз қоидалари ҳам қизларимизнинг балоғат ёшига, она бўлишга ҳар томонлама, жумладан, жисмонан етилмаганлиги тажрибалардан маълум. Чунки 18 ёшда қизлар балоғатга етади. Йигитлар эса 20 ёшдан олдин балоғатга етса-да, оила қуришга, уни бошқаришга тайёр бўлишмайди. Яъни, бу вақтда маънавий баркамоллик, оила ҳақида тушунчаси йўқ бўлади. Бунинг устига оила боқиш учун қўлида ҳунари бўлмайди. Ота-онасига боқиманда бўлиб юради.

## СОҒЛОМ ОИЛАДА — СОҒЛОМ ФАРЗАНД

**Маъсуда ФОЗИЛБЕКОВА, Тиббиёт коллежининг директори:**

— Соғлом оилада соғлом фикрли фарзандлар вояга етади. Келажак авлод миллатимиз кўрки, жамиятимизнинг гуллаб-яшнашида беқиёс ўринга эгадир.

Оила кодекси лойиҳасида шу масала ҳам алоҳида таъкидланиб, меъёрича таҳлил қилингани эътиборли ҳол.

Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш мазкур лойиҳанинг 17-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, тиббий-ирсий ҳамда оилани режалаштириш масалалари бўйича маслаҳат бериш никоҳланувчи шахсларнинг розилиги билан давлат соғлиқни сақлаш тизими томонидан амалга оширилиши ҳақида аниқ маълумот берилган.

Шу ўринда, 17-моддада «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш» деган жумладан сўнг **«Никоҳланувчи шахслар руҳшунослар маслаҳати ёрдамида ўз мижозий хислатлари (сангвиник, флегматик, холерик, меланхолик)ни билиш ва шуларга асосланган ҳолда никоҳга розилик бериш ёки бермасликларини ҳал этишлари лозим»** деб қўшиб қўйилса айни мудао бўларди.

Модомики, 17-моддада никоҳдан ўтаётганда тиббий кўрикдан ўтишни лозим деб топсак, барча жойларда тиббий кўрик муассасаларини, вилоят ва туманларда марказлашган ҳолда ташкил этиш керак. Тиббиёт ходимларини, барча мутахассисларни бу ишга жалб этиб, зиммаларига катта масъулият юклаш лозим.

Чунки оила қуришда аввал ҳар бир йигит-қиз тиббий маълумотларни эгаллаб олса, кейинги ҳаёти давомида содир бўлажак айрим кўнгилсизликларга ўрин қолмасди.

*Оила кодекси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган туркум мақолаларни Маъмура РЎЗИЕВА тайёрлади.*

---

*Сайёҳлик*

## КУЧЛАР БИРЛАШАДИ

***Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгач, юртимизга бўлган қизиқиш янада кучайди. Шарқ дурдоналари Самарқанд, Бухоро, Хива, Шарқ юлдузи Тошкент билан танишиш истагида бўлганлар сони ўсди. Табиийки, туризм азал-азалдан даромад манбаи ҳисобланиб келади. Демак, мамлакатимизга ташриф буюраётган сайёҳлар учун барча шарт-шароитни муҳайё қилиш орқали катта миқдорда маблағ ишлаш мумкин.***

Чет эллик сайёҳларни Ўзбекистонга жалб этиш бўйича ҳамкорликни кўзловчи дастурни ишлаб чиқиш масалалари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва «Ўзбектуризм» миллий компанияси биргаликда ўтказган кенгашда муҳокама қилинди.

Бугунга келиб миллий авиакомпания парки замонавий ҳаво кемалари билан тўлдирилди. «Ўзбекистон» ёзуви битилган А-310 ва «Боинг»лар дунё кенгликларида ишончли парвоз қилиб, йўловчилар ҳурматини қозонди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганчда аэропортларни барча замонавий талабларга мос равишда қайта таъмирлаш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Эндиликда йирик туризм марказларига республика ичида қатновларни ҳам ғарбда ишлаб чиқарилган RJ-85 самолётлари бажармоқда. Қадимий шаҳарларимизга сайёҳларни жалб этиш ишини янада ривожлантириш учун Москвага қатновларни ҳам А-310 аэробусларида амалга оширишга тайёргарлик кўрилмоқда.

«Ўзбектуризм» ўз навбатида мамлакатимизда туризм инфраструктурасини ривожлантириш бўйича қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Сайёҳларга хизмат кўрсатиш даражасини янада юқори кўтариш, янги қизиқарли йўналишларни таклиф этиш, Ўзбекистоннинг тарихий ва меъморий ёдгорликлари ҳақида батафсил маълумот беришни ташкил этиш, халқимизнинг маданияти, урф-одат ва анъаналари билан таништириш борасида атрофлича иш олиб борилмоқда.

Буларнинг барчаси, шубҳасиз, ўз самарасини бера бошлади. Аммо ҳар икки жамоа имкониятлари бирлаштирилса, янада самаралироқ меҳнат қилиш мумкинлиги барчага аён.

Кенгашда ҳар икки маҳкама аъзоларидан иборат ишчи гуруҳ тузилди. Гуруҳ зиммасига чет эллик сайёҳларни республикамизга жалб этиш ишини янада юқори поғонага кўтаришнинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш, юзага келадиган муаммоларни тезкорликда бартараф этиш билан шуғулланиш вазифаси юклатилди.

*Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ.*

---

*Матбаа*

## «ЧЎЛПОН» НАШРЛАРИ

***«Чўлпон» нашриёти яқинда яна бир нечта китобларни чоп этди.***

### МЕҲР КУЙЧИСИ

Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожоннинг «Сенинг меҳрингдан» деб номланган шеърий тўплами «Ҳақгўйлигим ҳаққи», «Севги саҳифалари», «Янги рубоийлар» сингари туркумларга бўлинган.

«Ҳақгўйлигим ҳаққи» саҳифасини варақлар экансиз, шоирнинг ушбу сатрларини ўқийсиз.

***Менинг ҳақлигимга имоним гувоҳ,***
***Менга ҳимоячи керак эмасдир!***
***Илҳомим париси қақшаб, баногоҳ —***
***Шоҳ мисра мозорин кўрмаса, басдир!***

Ушбу бўлимда шоир Ватан ҳақида, диёнат, одамийлик, истиқлол нашидаси, дўстлик, Орол фожиаси, экология ҳақида куйиниб ёзади:

***Арслон бўғзидан олдим бахтимни,***
***Юлдуз бўлиб ёнди эзгу бир ният...***
***Тикладим минг йиллик қутлуғ тахтимни,***
***Кўз тегмаса басдир, бевақт, беминнат! —***

дея истиқлолни тараннум этади шоир.

«Севги саҳифалари» бўлимида эса муаллиф муҳаббат ҳақида, садоқат, юксак туйғу саналмиш меҳр, вафо, ибо, ҳаё ва жўшқин ёшлик ҳақида тўлиб куйлайди:

***Кўзларим тубида ёнар юрагим,***
***Ёнган юрагимни яна ёқсанг, ёқ!***
***Сенсан саодатим, сенсан тилагим,***
***Севгилим, дилбарим, кўзларимга боқ,***
***Кўзларим тубида ёнар юрагим.***

Китобнинг «Янги рубоийлар» бўлимида эса «Мени атагайлар севги маддоҳи» ақидасига содиқ қолади ва шундай ёзади:

***Ёруғ кунларимнинг кулгуси сенда,***
***Ўтли сайёралар белгиси сенда.***
***Адашмай топаман қора тунда ҳам,***
***Висол юлдузининг иккиси сенда.***

Тўплам 5 минг нусхада чоп этилди.

### НАЗМ БЎСТОНИДА

Филология фанлари номзоди Раҳматулла Баракаев қаламига мансуб «Жонажоним шеърият» китобида 80-йиллар ўзбек болалар шеърияти ҳақида баъзи қайдларни ўқишингиз мумкин.

Шеъриятни одатда гўзал гулбоққа ўхшатадилар. Бу анвойи гуллар тўла боққа кирган ҳар бир мухлиснинг ўз қалбига яқин гуллардан тергиси, гулчамбар ясагиси келади. «Биз ҳам ушбу гулбоғдан бир гулчамбар тузишни ҳавас қилдик», — деб ёзади муаллиф.

Дарҳақиқат, болалар шоирлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни билишни истасангиз, марҳамат, «Жонажоним шеърият» китобини, албатта, ўқишни маслаҳат берамиз.

### ЯНА БИР ТАШРИФ

Турсунбой Адашбоевнинг «Топишмоқли алифбе» китобчаси кирилл ҳамда лотин алифбосида ўн минг нусхада чоп этилди. Муаллиф ҳар бир ҳарфга шеър битган бўлса, мусаввир Уйғун Солиҳов ажойиб-ғаройиб расмлар билан китобга жон бахш этган. Лотин алифбоси учун Раҳимбой Жуманиёзов махсус муҳаррирлик қилган.

### ҚУЁШ ТАБАССУМИ

***Йигит бўлса мард бўлсин,***
***Эл учун ҳамдард бўлсин.***
***Қўлларида зар эмас,***
***Тупроғидан гард бўлсин. —***

деб ёзади хоразмлик болалар шоири Пўлатбек Эрмат «Қуёшнинг табассуми» шеърий тўпламида. Ушбу тўплам шоирнинг илк китоби. Тўплам «Болалар учун энг яхши асарлар» кўрик-танловининг ғолиби. Китобдан жой олган шеърлар болажонларимизни она-Заминга меҳр-муҳаббат, Ўзбекистон деб аталмиш муқаддас давлатга муносиб фарзанд бўлиш руҳида тарбиялашда хизмат қилади.

*Назира ЖЎРАЕВА.*

**Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ**


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

### Юнусобод тумани ташкилотлари ва корхоналаридаги бўш иш жойи тўғрисидаги маълумотлар

**1. «Зенит» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти:**
— ғишт терувчи — 10.000 сўм
— фрезерчи — 10.000 сўм
— токарь — 10.000 сўм
— электр-газ пайвандчи — 10.000 сўм
— чилангар — 10.000 сўм
(иш ҳақи ишбай)
Манзил: Қорақамиш, 2. Тел: 24-61-60.

**2. «Ўзбекқишлоқмаш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти**
— электрпайвандчи — 4618 сўм
— токарлар — 5500 сўм
— ҳар соҳадаги слесарлар — 5500 сўм
— пармаловчилар — 6000 сўм
— иқтисодчи — 4350 сўм
Манзил: Ж. Обидова кўчаси, 160. Тел: 35-12-11.

**3. Қурилиш-монтаж бошқармаси:**
— электр газ пайвандчиси 5-6 тоифа — 3384 сўм
— иш юритувчи — 8665 сўм
— кабел пайвандчиси — 3500 сўм
Манзил: Абдуллаев кўчаси, 1. Тел: 21-00-77

**4. «Юнусобод-қурилиш» бошқармаси тресті:**
— дурадгор 3-5 тоифа — 4500 сўм
— пардозловчи 3-5 тоифа — 4500 сўм
— бўёқчи 3-5 тоифа — 4500 сўм
— сувоқчи 3-5 тоифа — 4500 сўм
— йўнувчи 3-5 тоифа — 4500 сўм
— бетончи 3-5 тоифа — 4500 сўм
Манзил: Нурмуҳамедов кўчаси 15. Тел: 34-27-98.

**5. «Сувсоз» таъмирлаш-қурилиш бошқармаси:**
— экскаватор машинисти 5-6 тоифа — 12 минг сўм
— бетончи 3-4 тоифа — 5 минг сўм
— бўёқчи-сувоқчи 3-5 тоифа — 7 минг сўм
Манзил: Ж. Обидова кўчаси 151. Тел: 62-79-48.

**6. «Монтажэнерго» жамоа корхонаси:**
— электр монтажчи 5-6 тоифа — 15 минг сўм
— чилангар КИП ва А-4-6 тоифа — 15 минг сўм
— батарея қолиплаш бўйича аккумуляторчи — 4-6 тоифа — 15 минг сўм
— кабелчи — 4-6 тоифа — 15 минг сўм
Манзил: «ТошГРЭС» мавзеси, 4 а. Тел: 60-14-38.

**7. «Мерседес-Бенц» маркази:**
— ҳар хил тоифадаги авточилангар — 5 тоифа — 5788 сўм
Манзил: Муродов кўчаси, 7. Тел: 23-51-95.

**8. «8-автосарой» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти:**
— ҳайдовчи — «Д» тоифадаги — 8 минг сўм
— электрик — 4-3 тоифа — 4500 сўм
Манзил: Муродов кўчаси, 7. Тел: 23-57-79.

• Ҳасанбой-2 да янги, ҳашаматли, олти хонали, 6 сотихли уй сотилади. Тел: 56-51-94.


Тошкент шаҳар маҳаллий мебель саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшма қўмитаси «Тошгаз» бошқармаси касаба уюшма қўмитасининг раиси Х. А. Дадаевга оналари

**ЗУҲРА аянинг**

вафот этганликлари муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент оқшоми — Toshkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар – 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 209

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-011124. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. 1 2 3 4 5 6. ❖ Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.